



УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА СУД
ТИББИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмедов Зафар Хамроевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8412952>

АННОТАЦИЯ

Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашнинг жорий «қилиниши муносабати билан бакалавриатурада суд тиббиёти фанини ўқитилишининг мақсад вазифалари ўзгарди. Агар илгари талабага келажакда потенциал суд тиббиёт соҳасида мутахассис сифатида қаралган бўлса, сўнгги даврда суд тиббиёти бўйича маъруза ва ўқув-амалий машғулотлар умумий амалиёт шифокори фаолиятининг спецификасига йўналтирилган.

Калит сўзлар: Умумий амалиёт шифокори, суд-тиббий экспертиза.


ANNOTATION

In connection with the introduction of the training of general practitioners, "the targeted tasks of teaching forensic medicine in undergraduate studies have been changed. If earlier a student was considered as a specialist in future forensic medicine, then recently lectures and practical classes in forensic medicine have been aimed at the specifics of the activities of a general practitioner.

Key words: General practitioner, forensic medical examination.

Аввалги даврда амалдаги конунчиликка биноан, турли соҳа врачларининг суд тиббиёти билан боғлиқ процессуал ҳаракатларга (суд-тиббий экспертиза, ҳодиса ёки мурда топилган жойини кўздан кечириш ва ҳ.к.з.) жалб қилиниши мумкинлиги талабаларга суд тиббиёти фанини ўқитилишини асосий мақсади бўлган. Ҳозирги даврда амалдаги конун — ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур масала кейинги планга сурилди. Бинобарин, айти пайтда бакалавриатурада суд тиббиёти фанининг ўқитилишининг асосий мақсади бўлажак врачлар томонидан кейинчалик суд-тиббий экспертизага молик бўладаган ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатилишининг хусусиятларни ўзлаштиришдир.

Расмий маълумотлар бўйича сўнгги йилларда ўлим ҳолатларида ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаларнинг учдан бирида мурдалар даволаш муассасаларндан келтирилган ва айти пайтда экспертиза жараёнида касаллик тарихи маълумотлари ҳам текширув объекти сифатида хизмат қилган. Тирик шахслар суд-тиббий экспертизаларининг





60%дан зиёдида жабрланганлар турли кўринишдаги тиббий ёрдам курсатилгач, кейин эксперт кўригидан ўтганлар.

Суд-тиббий экспертизада далил манбаи сифатида хизмат қиладиган ҳолат, ўзгаришлар ва объектларни тушунарли сабабларига кўра узгаришини инобатга олган ҳолда, уларнинг илк ҳолати хусусиятлари ҳамда ўзгари динамикаси лозим даражада тўлақон, информатив акс эттирилган, тиббий ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Бинобарин, бу жабхаларда врачлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар кейинчалик эксперт томонидан бартараф қилинмайди ва пировард натижада суд-тиббий экспертиза олдида қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинмаслигига олиб келади. Умумий амалиёт шифокорлари тиббий ёрдамга мурожаат қилган беморларда жароҳат ёки шунга ўхшаш ғайриқонуний ҳаракат излари аниқлаганда бу ўзгаришларни кейинчалик тайинладиган суд-тиббий экспертиза мақсад вазифаларини инобатга олган ҳолда тавсифлаши лозим. Масалан, қонталашлар аниқланганда уларнинг жойлашиши, ранги, шакли, ўлчамлари, атроф тўқима ҳолати, шилинмаларда-жойлашиши, шакли, ўлчамлари, йўналиши, қопламанинг мавжудияги ва унинг атроф терига нисбатан сатхи, атроф тузима ҳолати, яраларда эса жойлашиши, шакли, ўлчамлари, яранинг чеккалари, учлари, чекка девори, туби ҳақида маълумотлар тиббий ҳужжатларда атрофлича келтирилиши лозим. Улар жароҳат етказган қурол, жароҳатни вужудга келиш механизми ва вақти, жароҳатнинг оғирлик даражасини аниқлаши масалаларини суд-тиббий экспертизада ҳал қилиш учун ўта муҳимдир. Зеро, тиббий ёрдам курсатилгач, маълум бир вақтдан сўнг, экспертда қуригида бу маълумотларни олиш имкони бўлмайди. 10-15 кундан сўнг қонталаш ва шилинма изсиз йўқолиши мумкин, бирламчи хирург ишлов берилган лат яралар кейинги чандик бўйича мазкур саволларни ёритиш имкони йўқ.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда умумий амалиёт шифокорлари томондан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик кейинчалик тайинладиган экспертиза сифатига ва унда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар доирасига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича қонунда белгиланган текширув, тергов ўтказаетган ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан врачларнинг фаолиятига нисбатан асосли ва жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.





Шундай қилиб, умумий амалиёт шифокори томонидан суд тиббиёти фани бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштирилиши кейинчалик суд-тиббий экепертизасига молик бўлган ҳолатларда сифатли, тўлақон тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ғиёсов З.А. – Суд тиббиёти. Т., 2018.
2. А.И.Искандаров, Д.Р.Қўлдошев – Суд тиббиёти. Т., 2009.
3. И.И.Бахриев, Д.Д.Джалалов. – Қон, сперма ва сочларни суд тиббиётига оид текшириш. Талабалар учун услубий қўлланма. Т., 2001.
4. Д.Д.Джалалов. – Суд тиббиёти. Т., 1996.
5. Е.А.Лужников, Л.Г.Костомарова. – Острые отравления. М., 1989.
6. Ю.И.Пиголкин, В.Л.Попов. – Судебная медицина. М., 2006.
7. В.Л.Попов. – Судебная медицина. СПб., 2000.

